



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил
28 апрель
ЧОРШАНБА

№ 33
(12.253)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ВИЛОЯТ ФАОЛЛАРИ ЙИГИЛИШИ

ИЛК ЧОРАК ЯКУНЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Вилоят фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2010 йилнинг биринчи чоракда вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва бу борадаги келгуси вазифалар муҳокама этилди. Йиғилишни вилоят ҳокими Рустам Холматов бошқари.

Фаоллар Президенти-миз Исроил Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 29 январдаги мажлисида белгилаб берилган 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини бажариш борасида вилоятда олиб борилаётган ишларни атрофлича таҳлил қилишди.

Таъкидланганидек, жорий йилнинг биринчи чоракда вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиши 8,5 фоизни ташкил этди. Ишлаб чиқариш ҳажми саноатда 7, кишлоқ ҳўжалигида 7,2, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда 12,4, қурилиш-пудрат ишларида 16,5, чакана савдода 8,2, хизмат кўрсатиш соҳасида 17,6 фоиз ошди.

Иқтисодий дастур ва режаларни бажариш жараёнида экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада йил бошидан буюн 350,6 миллион АҚШ доллари миқдорда маҳсулот экспорт қилинди.

Йиғилиш қатнашчилари аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастури ва Инкирозга қарши чоралар дастури ижроси бўйича амалга оширилаётган ишларга баҳо бердилар. Вилоятда жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш, қасаначиликни йўлга қўйиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини кенгайтириш ҳисобидан 18 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Аҳолига хизмат кўрсатувчи 268 шохобча ташкил этилди. Инвестиция ҳаёли эши ҳудудий дастури асосида 34,4 миллион АҚШ доллари миқдорда инвестиция ўзлаштирилиб, тўртта янги корхона ишга туширилди, 11

корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати оширилди. Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бора-сидаги сай-ҳаракатлар самарасида 1051 кичик бизнес субъекти ташкил этилди. Иқтисодий ночор 70 корхонанинг фаолияти қайта тикланди. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун 40 миллиард сўм кредит маблағлари йўналтирилди. Йиғилишда "Баркамол авлод йили" Давлат дастурининг вилоятдаги ижроси атрофлича муҳокама қилинди. Дастур доирасида ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитлар яратилаётгани қайд этилди. Хусусан, Қўрай туманида вилоят ёшлар ижодиёт маркази, Бекобод туманида "Ёшлик" спорт-соғломлаштириш мажмуаси қуриб, фойдаланишга топширилди. Вилоятда аҳолининг турмуш даражасини ошириш, уларни замонавий уй-жой, сув ва газ билан таъминлаш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, йил бошидан буюн 90,5 минг квадрат метр уй-жой, 13,9 километр табиий газ ва 25,5 километр ичимлик суви тармоғи қурилди. Айни вақтда 2009 йилда қурилиши бошланган намунавий лойиҳа асосидаги 60 уй-жойни пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Йиғилишда эришилган ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳам атрофлича таҳлил этилиб, уларни бартараф этиш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Абдулла Орипов қатнашди.


ДЎСТИК ВА САНЪАТ БАЙРАМИ

Кино санъати байрамига айланган тадбир доирасида юртимиздаги олий таълим даргоҳлари, ижодий ташкилотлар, кинотеатрлар, санъат саройларида учрашув ва мулоқотлар, қардош халқнинг кино ижодкорлари томонидан яратилган экран асарларининг премьералари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қўла-ми, соҳада эришилган ютуқ ва янгиликлардан бохабар бўлишлар. Музейлар, тарихий қадимжолар, меъморий обидаларга саёҳат қилин-ди.

Ў.А.

КИШЛОҚ МУЛҚДОРИ



ФЕРМЕРНИНГ ҲАДЕМАЙ БОШОҚЛАЙДИ

"Усмон" тумандаги энг йирик, том маънода мус-тақил, энг муҳими "Ўзига тўқ" фермер ҳўжаликлари-дан. 172 гектар ери бор. Фақат пахта ва галла эк-ади. Техникаси бут, ташқ-ридан ёрдамга ортиқча муҳтож эмас.

– Ҳўжалигимиз ташкил топган кун, яъни 1995 йил-данок даромадимизнинг бир тийинини ҳам бемақ-сад сарфламай, техника базамизни мустаҳкамлаб олишга ҳаракат қилдик, – дейди Бахтиёр Усмонов. – Бу энг тўғри йўл эканини

энди кўпгина фермерлар тушуниб қолишди. Техникаси йўқ ҳўжалиқда "унга бер, бунга бер" билан даромаднинг баракаси уч-ади. Техникани ёллаб иш-латишнинг ўзи бўлмайди-да.

Ҳақ гап. Ҳозир ҳўжалик-нинг 2 та Т4 "Олтой" ҳай-дов, 2 та культивацияда ишлатиладиган ва яна 2 та транспорт воситаси сифа-тида фойдаланиладиган "Беларусь" трактори ҳамда экиш ва парвариш ишлари билан боғлиқ ме-ханизмлари ўзига етади.

БИЛИМДОНЛАР БЕЛЛАШДИ

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Халқ таълими вазирлиги ва "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамкорли-гида "Аждоғлар мероси – келажак пойдевори" республи-ка кўрик-танловининг якуний босқичи ўтказилди.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида ташкил этилган танловнинг ҳудудий босқичларида мам-лакатимиздаги барча умум-таълим мактабларида таҳсил олаётган 40 минг нафардан ортиқ ўқувчи қатнашди.

Якуний босқичда иштирок-

чиларнинг Ўзбекистон тарихи, ўзи яшаб турган ҳудуднинг урф-одатлари, этнографияси ва топонимияси ҳақидаги билими синовдан ўтказилди.

Наманган вилоятининг "Бобурмирозо" жамоаси бош совринни қўлга киритди.

Ў.А.

КЎРГАЗМА

Бўстонлиқда ишби-лармон аёлларининг яна бир тадбири бўлиб ўтди. "Қўли гулдир ўзбек аёли" миллий ҳўнарман-чилик кўргазмаси ва шу мавзуга бағиш-ланган давра суҳба-тида вилоят ва туман ҳўкимликлари, хотин-қизлар қўмита-лари вакиллари ҳамда тумандаги барча тадбиркор, ишбилармон, ҳўнар-манда аёллар иштирок этишди.



«ҚЎЛИ ГУЛДИР ЎЗБЕК АЁЛИН...»

Кўргазмага қўйилган миллий либослар, кўрпа-ёстик, гилам, шолча ва турли тикувчи-лик, тўқувчилик, кашта-чилик, қуруқчилик, зар-дўзлик ҳамда қандолат-чилик маҳсулотлари то-мошабинларда катта

таассурот қолдирди. Тадбирда миллий ҳўнармандчилик ва тад-биркорликни ривожлан-тириш, ҳўнарманд ва тадбиркор аёлларга яратилган шароитлар, банк-лар томонидан ажрати-лаётган кредитлар



тўғрисида сўз борди. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидаги аёлларга маслаҳат ва тавсиялар берилди.

Тадбирда вилоят ҳўкимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзие-ва иштирок этди.

СУРАТЛАРДА: қўли гул ўзбек аёллари тайёрлаган маҳсулотлар иштирокчиларни ҳайратга солиди. Даврон АҲМАД олган суратлар.

ЭПИДЕМИОЛОГИК ВАЗИЯТ МУҲОКАМАСИ

Вилоят ҳўкимлиги ва Республика Давлат санита-рия-эпидемиология назорати маркази "Меҳнат мигрантлари орасида ОИВ инфекцияси тарқалиши-нинг олдини олиш дастури" ижроси бўйича ҳамкорлик қилиш масаласига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Тадбирда республика ҳўкуматининг ОИТС тар-қалишининг олдини олиш ва даволашга қаратилган қарорларининг бажари-лишини таъминлаш ма-саласи кўриб чиқилди. Вилоят ички ишлар, меҳ-нат ва аҳолини ижтимо-ий муҳофаза қилиш, соғ-лиқни сақлаш бошқарма-лари ҳамда ОИТСга қарши кураш маркази раҳбарлари қатнашган йиғилишда мутасадди ташкилотлар вакиллари-нинг кўрилган масала

юзасидан ҳисоботлари тингланди. Тошкент ту-мани, Янгийўл ва Чирчиқ шаҳарларида ОИТС тар-қалиши бўйича эпиде-миологик вазият муҳока-ма этилди. Вазиятни ях-шилаш ҳамда аҳоли, ай-никса, меҳнат мигрантла-ри орасида ОИВ инфе-кцияси тарқалишининг ол-дини олиш мақсадида назоратни янада кучай-тиришга қаратилган чора-тадбирлар белги-лаб олинди.

Абдулла ФАЙЗИЕВ.



ЯНГИЙЎЛ ШАХРИ

ЁШЛАР ЎЧУН ЯНГИ МАРКАЗ

Халқ демократик партияси шаҳар кенгаши қўшида "Истиқболли ёшлар қаноти" маркази ташкил этилди.

Марказ аъзолари қисқа фурсатда турли учрашув-лар, тадбирлар ҳамда тан-ловлар ўтказишга улғуриш-ди. Шу билан бирга ёшларнинг сиёсий савод-

хонлигини ошириш мақса-дида шаҳардаги иккита коллеж ва битта маҳалла-да "Ёш сиёсатчилар" клу-бини очилди.

Хуррият МЎМИНОВА.

ТОШКЕНТ ТУМАНИ

ҲОЛИБГА ҲОКИМЛИК СОВРИНИ

Туман ҳўкимининг соврини учун волейбол бўйича хотин-қизлар ўртасида турнир ўтказилди.

10 та жамоа иштирок этган мусобақада туман ҳўкимлиги, агросаноат ва бизнес, транспорт ва сер-вис, саноат ва қурилиш

касб-ҳўнар коллежлари жа-моалари етакчилик қили-шиб, совринли ўринларни қўлга киритишди.

Феруза ТЎРАЕВА.

